

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/27.09.2025.Tib.93.03 РАҶАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ҚУРБОНОВ МИРВОҲИД КАМОЛОВИЧ

**1-ТИП ҚАНДЛИ ДИАБЕТ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БОЛАЛАРДА
ЎТКИР ЎРТА ОТИТНИНГ КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК КЕЧИШ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.04 – Оториноларингология
14.00.36-Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧАФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Курбонов Мирвоҳид Камолович

1-тип қандли диабет билан касалланган болаларда ўткир ўрта отитнинг клиник-иммунологик кечиш хусусиятлари.....	3
---	---

Курбонов Мирвоҳид Камолович

Клинико-иммунологические особенности течения острого среднего отита у детей при сахарном диабете 1-типа	27
--	----

Kurbanov Mirvokhid Kamolovich

Clinical and immunological features of the course of acute otitis media in children with type 1 diabetes mellitus	51
--	----

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....	57
------------------------------	----

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/27.09.2024.Tib.93.03 РАҶАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ҚУРБОНОВ МИРВОҲИД КАМОЛОВИЧ

**1-ТИП ҚАНДЛИ ДИАБЕТ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БОЛАЛАРДА
ЎТКИР ЎРТА ОТИТНИНГ КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК КЕЧИШ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.04 – Оториноларингология
14.00.36-Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧАФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновацийлар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.3.PhD/Tib4848 рагам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (узбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталаида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Нуров Убайдулло Ибодуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Нарзуллаев Нурилдин Умарович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оғионентлар:

Воҳидов Улугбек Нуридинович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Мирраҳимова Мактуба Ҳабибуллаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/27.09.2025.Tib.93.03 рагамли бир марталик Илмий Кенгашнинг 2025 йил “4” кундаги соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200126, Бухоро шаҳри, Фиждувон кўчаси, 23-йй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99895) 911-00-50; www.bsmi.uz E-mail: info@bsmi.uz.)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (75 рагам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200126, Бухоро шаҳри, Фиждувон кўчаси, 23-йй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.)

Диссертация автореферати 2025 йил “29” ойнадаги 2025 да тарқатилди.

(2025 йил “29” ойнадаги 2025 даги 75 рагамли реестр баённомаси)

Ш.Т. Урков

Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

Н.И. Казакова

Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт
фанлари доктори (DSc), доцент

Б.З. Ҳамдамов

Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш кошидаги бир марталик Илмий
семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда болаларда қандли диабет фонида ривожланадиган ўткир ўрта отитларни ташхислаш ва даволаш оториноларингологиянинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб, барча мутахассисларнинг диққат марказида турибди. Замонавий илм-фаннынг ютуқларига қарамай, болаларда ушбу патологияни даволаш ва олдини олиш замонавий тиббиётнинг ҳал қилинмаган муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Қандли диабет дунёдаги кенг тарқалган сурункали касалликлардан бири бўлиб, давримизнинг мухим тиббий ва ижтимоий муаммоси сифатида тан олинган. «...Халқаро диабет Федерацияси маълумотларига кўра, 2019 йилда диабет билан оғриганлар сони 463 миллионга ошган. IDF маълумотларига кўра, 2045 йилга келиб ҚД касаллиги билан касалланиш сони 630 миллиондан ошиши мумкин...»¹. Қандли диабет фонида ривожланадиган ўткир ўрта отитнинг клиник кўринишини сезиларли даражада ўзгартириб, касалликнинг кечишини оғирлаштиради ва бунга параллел равишда касалликнинг ноқулай оқибатига олиб келадиган отоген менингоэнцефалитик асоратларни ривожланиш хавфини орттиради.

Жаҳон миқёсида болаларда қандли диабет фонида ривожланадиган ўткир ўрта отитларни ривожланишидаги индивидуал фарқларнинг яъни унинг клиник кечишилари, иммунологик асослари ва ушбу касалликнинг патогенезида цитокинларнинг аҳамияти, ҳимоя реакциясининг шаклланиши бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Иммунокомпетент ҳужайралар, хусусан В-лимфоцитларга инфекциянинг ўзига хос таъсири, унинг иммуносупрессияни кўзғатиши ва қандли диабет фонида ривожланадиган ўткир ўрта отитлар билан касаллангандан кейин бола организмида узоқ вақт сақланиб туриши, ҳужайраларнинг функционал хусусиятларини ўрганишнинг мақсадга мувофиқлигини белгилайди. Шу муносабат билан лейкоцитлар айниқса, лимфоцитларнинг цитокимёвий кўрсаткичлари, инфекцион жараённинг фаоллиги, оғирлик даражаси ва оқибати учун сезгир мезон эканлигини таъкидлаш ўринлидир. Т- ва В-лимфоцитларнинг фаоллигини аниқлаш, қонда цитокин ҳолатини баҳолаш билан ҳужайравий рецепторларнинг (CD4⁺, CD8⁺, CD16⁺, CD38⁺, CD95⁺, CD25⁺) болаларда ўткир отит касаллигига ифодаланиши эрта ёшдаги болаларда ўтказилмаган.

Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояси ҳамда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, болалардаги соматик касалликлар, хусусан, қандли диабет фонида ривожланадиган ўткир ўрта отитларни даволаш ва профилактикасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш Стратегиясида кўрсатилган 7 та устувор йўналишнинг 4-қисм 56-мақсадида «...аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимлари потенциалини ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг 2022-2026 йилларга

¹ Касаткина Э.П. Сахарный диабет у детей и подростков. // М.- Медицина. - 2016. - С. 157-181

мўлжалланган дастурини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш...»² вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни бажариш болаларда гименолепидоз касаллигини камайтириш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали касалланиш кўрсаткичлари ва унинг асоратларини камайтириш имконини берган.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сонли «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сонли «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида» ги ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сонли «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хукуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Болаларда ўткир йирингли ўрта отит нисбатан кенг ўрганилаётган касаллик бўлсада, унинг клиник кечишига оид қарашларда кўплаб зидли қарашлар то хозиргача сақланиб қолмоқда. Ўткир ўрта отит (ЎЎО) кўпинча bemорлардаги клиник муаммодир ва мутлоқ аниқ бўлмаган сабабларга кўра, бу касаллик ўткир йирингли ўрта отитдан фарқли ўлароқ, мазкур мижозларда аксарият ҳолларда умумий клиник аломатларсиз ўтади ва шу билан бирга эшитувни заифлашуви жуда қўп учрайди. Демак, клиник муаммолар бор экан, ўткир йирингли ўрта отитни даволашга оид долзарб масалалар ҳам бўлишиликлари эҳтимолдан йироқ эмас деган қарорга келиш мумкин(Weiss N.M. et al.,2020)

Болаларда ўткир ўрта отитларнинг қандли диабет ва бошқа преморбид фон натижасида ривожланиши катта илмий ва амалий аҳамиятга эга. Ушбу касалликларнинг комбинациясининг етакчи намоён бўлиши аниқ эмас. Қандли диабет фонида ривожланган ўткир ўрта отитнинг клиник намоён бўлиши организмнинг ҳимоя кучларининг сусайиб бориши натижасида деган хулосалар кўпгина олимлар томонидан таъкидлаб ўтилган (Петряйкина Е. Е. ва ҳаммуал., 2021)

Олимлар фикрига кўра, гуморал иммунитет турли синфлар (A,M,D,E,G) иммуноглобулинлар шаклида лимфоидли аъзолар иммун хужайралари

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги Фармони

томонидан синтез қилинади ва айланиб юрувчи антитанаачалар томонидан тақдим этилади. Иммуноглобулинларни ишлаб чиқарадиган ҳужайралар антигенлик стимуляцияни олган ва плазма ҳужайраларига олдиндан тузилган В-лимфоцитлардир. Ҳужайравий иммун тизими Т-лимфоцитларнинг функцияси билан боғлиқ бўлиб, улар мақсадли ҳужайраларга бевосита таъсир қилувчи лимфоцитларнинг “ҳужайра антитанаачалари” ёрдамида иммунитет реакцияларида намоён бўлади. Таъсирнинг табиати ва иммунитет реакцияларидаги тегишли ролига кўра, Т-лимфоцитлар субпопуляцияларга бўлинади: табиий киллерлар, Т-хелперлар, Т-супрессорлар ҳамда иммунологик хотира ҳужайраларидан иборат (Ciprandi G. et al., 2020)

Россиялик олимларнинг кузатувлари бўйича ўткир ўрта отит (ЎЎО) билан касалланган ёш болаларда албуминлар миқдорининг сезиларли даражада ошиши ва глобулинлар даражасининг пасайиши, асосан, а-фракция ҳисобига қайд этилган. Тадқиқотчилар, ЎЎО билан оғриган чақалоқларда IgM нинг пасайиши билан IgG ва IgA нинг периферик қонда ўсишини аниқладилар. Ўткир йирингли ўрта отитда лактат дегидрогеназа ва лизоцим миқдорининг ошиши ҳамда лизоцим таркибининг яллиғланиш жараёнининг оғирлигига боғлиқлигини аниқлаганлар (Латышев О.Ю.ва ҳаммуал., 2021).

Ўткир ўрта отитни нотўғри ёки етарли даражада даволамаслик натижасида қўп ҳолларда сурункали йирингли отит ривожланади. Шуни унутмаслик керакки, ўткир отитни етарли даражада даволаш натижаси нафақат клиник симптомларнинг йўқолиши, балки тимпанометрия ва аудиометрия билан тасдиқланган аъзонинг тўлиқ функционал тикланиши бўлиши керак. Касалликнинг қайталанишини олдини олиш учун, иложи бўлса, этиологик омилларни бартараф этиш орқали маълум бир беморда ўткир отит клиник ривожланишининг патогенетик механизмларини аниқ тушуниш керак (аденоид вегетацияси, пастки бурун чиғаноқлари орқа учларининг гипертрофияси, най муртакнинг гипертрофияси) (Джаббарова Д. Р. ва ҳаммуал, 2020).

Болаларда қандли диабет 1-тибининг клиник кўринишларининг ёшга боғлиқ ҳолда кечишида иммун тизимининг даво чоралари ва эрта реабилитация усуллариниг етишмаслиги ушбу тадқиқотнинг долзарблиги ҳақида далолат беради. Юқоридагилардан келиб чиқиб, болаларда қандли диабет фонида ривожланадиган ўткир ўрта отитларни ўз вақтида ташхислаш, оптимал даволаш схемасини ишлаб чиқиши ва асослаш, амалий соғлиқни сақлаш тизими учун долзарб муаммо деган хулосага келинган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг (05.2022 PhD 163) илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро минтақаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усулларини ишлаб чиқиши (2022-2026 й.)» доирасида олиб борилган.

Тадқиқотнинг мақсади қандли диабет 1-типи билан заарланган болаларда касалликнинг клиник ва иммунологик хусусиятларини инобатга

олган ҳолда ўткир ўрта отитнинг даволаш самарадорлигини оширишдан иборат бўлган.

Тадқиқотнинг вазифалари:

болаларда қандли диабет 1-тип кечиши оғирлигининг турли даражаларида ЎЎО клиник аломатларини ўрганиш;

қулоқдан ажралаётган микрофлоранинг таркибини ҳамда ўткир ўрта отит ривожланишида асосий касалликнинг ролини аниқлаш;

қандли диабет 1-тип фонида ривожланган ўткир ўрта отит бўлган бемор болаларда иммун статусининг ҳолатини ўрганиш ҳамда иммун тизимининг ҳужайравий ва цитокин кўрсаткичлари орасидаги боғлиқликни баҳолаш;

иммунотерапиянинг мақбул схемаларини ишлаб чиқиш ва иммунокорригирловчи дори воситасининг қандли диабет 1-тип фонидаги ўткир ўрта отитга учраган болаларда иммунитет етишмаслигини тузатишга таъсир этишини баҳолаш ва унинг алгоритмини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2021-2024 йиллар давомида Бухоро вилоят болалар эндокринология шифохонаси ва ВБКТМ ЛОР бўлимларида қандли диабет фонида ривожланган ўткир ўрта отит ташхиси билан ётиб даволанган 101 нафар бемор болалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида болалар қони ва зардоби, клиник, иммунологик ҳамда биокимёвий тадқиқотлар натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни бажаришда оториноларингологик, клиник-лаборатор, иммунологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

болаларда қандли диабет 1-тип кечиши оғирлигининг турли даражаларида ўткир ўрта отитнинг ўзига хос клиник аломатларининг кучайиши (кулоқдан йиринг оқиши, бош оғриши, тана ҳароратининг кўтарилиши, кўнгил айниши, кусиши, вестибуляр бузилишлар, ҳаво ўтказувчанлигининг бузилиши, сўрғичсимон ўсиқ катакларида пневматизациянинг ривожланган пасайиши) аниқланган;

болаларда қулоқдан ажралаётган микрофлоранинг ўзига хос кўринишилари, ўткир ўрта отитнинг ривожланишида асосий касалликнинг роли ҳамда ушбу агрессив аэроб инфекциясининг пайдо бўлиши организмнинг умумий қаршилиги ва иммунитет кучларининг заифлашиши билан боғлиқлиги аниқланган;

ўткир ўрта отитнинг клиник белгилари, кечиши даражаси, иммун статус, Т-лимфоцитлар (Т-хелперлар (CD4+), Т-супрессорлар (CD8+)) миқдорининг ўзгариши, табиий киллерларнинг (CD16+) қўпайиши ҳамда яллиғланишга қарши цитокин IL-4нинг ошиши ва интерферон гамма (IFN- γ) миқдорининг камайиши ўртасида боғлиқлик мавжудлиги аниқланган;

1-тип қандли диабет билан оғриган болаларда ўрта қулоқ яллиғланишини олдини олиш, иммун тизимининг ҳужайравий, гуморал, цитокин, фагоцитоз кўрсаткичларини фаоллаштириш, иккиласмчи иммунтансликни камайтириш ва иммун тизимини тикловчи иммуномодулятор (Иммун-5) қўллашга асосланган самарали иммунотерапия схемаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

қандли диабет фонида ўткир ўрта отит ташхиси қўйилган болаларни даволаш мажмуасига иммунокорригирловчи препаратни киритиш даволаш самарадорлигини оширган, бу соғлиқни сақлаш амалиётида қўллаш учун муҳим тавсия сифатида кўрсатилган;

болаларда касалликнинг асосий клиник кўринишлари билан уларнинг организмидаги иммун тизимининг ҳужайравий, гуморал ва цитокин кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқлик касалликнинг иммунодиагностикаси учун муҳим эканлиги кўрсатилган;

тадқиқот натижалари иммун яллиғланиш механизмларини ҳисобга олган ҳолда болаларда қандли диабет фонида ўткир ўрта отит ривожланиш механизмлари ҳақидаги тушунчани кенгайтириб иммун яллиғланишнинг аҳамиятини аниқлашга имкон берган;

қандли диабет 1-типи фонида ривожланган ўткир ўрта отитда периферик қондаги Т-хелперларнинг (СД4+), Т-супрессорларининг (СД8+) пасайиши, табиий киллерларнинг (СД16+) кўпайиши, яллиғланишга қарши цитокин IL-4 таркибининг сезиларли даражада кўпайиши, IFN- γ таркибининг ишончли пасайиши билан намоён бўладиган иммунитет тизимининг дисфункцияси, ўрта қулоқнинг ўткир яллиғланишининг кучайиши ҳамда иккиламчи иммунтансислик ривожланишининг сезувчи прогностик маркер сифатида, шу билан биргалиқда иммуномодуляторларни стандарт терапияга киритиш билан комплекс профилактика ва даволаш тадбирларини ўз вақтида бошлаш кераклиги исботланган;

олинган тадқиқот натижалари қандли диабет фонида ўткир отит билан оғриган бемор болаларнинг асосий комплекс терапиясига иммунотерапияни киритиш, шу жумладан маҳаллий иммуномодулятор (Иммун-5), бу даволашнинг патогенетик ва муҳим таркибий қисми бўлиб, даволаш самарадорлигини, иммун тизимининг ҳужайравий, гуморал, цитокин шунингдек фагоцитоз кўрсаткичларини фаоллаштирган ва шу билан биргалиқда касалликнинг клиник белгиларини яхшилаш фонида ривожланган иккиламчи иммунтансислик ва иммун тизимини тиклаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотларда бир -бирини тўлдирувчи олинган натижалар ва назарий усуллар қўлланилиши, ўтказилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморларнинг етарли миқдори, чет эл ва маҳаллий тадқиқотчиларнинг натижалари билан солиширилиши, шунингдек олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан берилган хуносалари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, қандли диабет фонида ривожланган ЎЎО билан ташхиси қўйилган болаларда қулоқда оғриқ, тана ҳароратининг кўтарилиши, эшишишнинг пастлиги, ҳолсизлик каби клиник кўринишлари билан иммун ва цитокин статуснинг асосий кўрсаткичлари орасида тўғри пропорционал боғлиқлик борлиги исботланганлиги, уларда иммун ва цитокин статусни баҳолаш асосида қондаги CD3+-, CD4+-, CD8+-, CD16+-лимфоцитлар, ИРИ, қон зардобида IL-4 ва IFN- γ параметрлари иммунташхисотнинг муқобил мезонлари сифатида

кўрсатилганлиги, анъанавий даволаш мажмуига иммунокоррегирловчи препаратининг киритилиши касалликнинг кечиши, унинг клиник кўринишларининг пасайиши, организмнинг иммун ва цитокин статусларидағи иккиласмчи иммунодефицитни бартараф этиб, ушбу кўрсаткичларнинг меъёrlашувига олиб келганлиги кўрсатиб берилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, қандли диабет фонида ривожланган ЎЎО аниқланган болаларни даволаш мажмуига иммунокоррегирловчи препаратининг киритилиши даволаш самарадорлигини ишонарли оширганини кўрсатган, бу эса амалий соғлиқни сақлашда фойдаланиш учун муҳим тавсия сифатида кўрсатилганлиги, бемор болаларда касалликнинг асосий клиник кўринишлари билан улар организми иммун ва цитокин статуслари асосий кўрсаткичлари орасида узвий боғлиқлик борлиги исботланганлиги, иккиласмчи иммунодефицит ҳолати кузатилганда касалликни эрта ташҳислаш ва мажмуавий даволаш алгоритми ишлаб чиқилганлиги амалий соғлиқни сақлаш учун муҳимлиги кўрсатиб берилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашнинг илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга татбиғи бўйича 2025 йил 10 мартағи №13/02 – сон хуросасига кўра:

биринчи илмий янгилик: илк маротоба болаларда қандли диабет 1-тип кечиши оғирлигининг турли даражаларида ўткир ўрта отитнинг ўзига хос клиник алломатларининг кучайиши (кулоқдан йиринг оқиши, бош оғриши, тана ҳароратининг кўтарилиши, кўнгил айниши, қусиши, вестибуляр бузилишлар, ҳаво ўтказувчанлигининг бузилиши, сўрғичсимон ўсиқ катакларида пневматизациянинг ривожланган пасайиши) аниқланган; *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* болаларда қандли диабет 1-тип кечиши оғирлигининг турли даражаларида ЎЎО клиник алломатларини аниқланган; *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий-амалий маълумотлар Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази буйруғи (06.02.2024 йил №17); Бухоро туман тиббиёт бирлашмасининг буйруғи (03.02.2024 йил №1); (15.05.2024 йил №3); Жондор туман тиббиёт бирлашмасининг буйруғи (06.02.2024 йил №12); (01.05.2024 йил 1634-2-35-ТБ/2024-сон)клиник амалиётига тадбиқ этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* қандли диабет 1-тури фонида ўткир отит билан оғриган болаларда иммун реактивлигининг ҳолатини баҳолашнинг ўртacha қиймати тўлиқ натижалари ҳолати олинган. *Иқтисодий самарадорлиги:* иқтисодий самарадорлик таклиф этилган услубий тавсияномани амалиётда қўллаш асосида ишлаб чиқилган. Иқтисодий самарадорлик таҳлилини ўтказишида таққосланган вариантлар харажатларни минималлаштириш таҳлилидан ўлароқ, катта ёки камроқ, лекин эквивалент самарадорлик билан тавсифланган. *Хуроса:* олинган натижалар кўрсатадики, умумий ҳужайравий гуморал ва айниқса, маҳаллий-гуморал иммунитетдаги бузилишлар қандли диабет 1-тури фонида ЎЎОни беморларда

шаклланишларига кучли салбий таъсир этади ва бундан ташқари, аксарият касалликни узоқ муддат билан чўзилиб ва яширин кечишига сабаб бўлади. Шунинг учун бу кўрсаткичлардан қандли диабет 1-тури фонида ЎЙЎОнинг клиник шаклларини ажратиб баҳолашда, кечишиларини олдиндан башпоратлашда, беморларни диспансеризация қилиш-профилактика гурухларига олишда ва ниҳоят, даволаш дастурларини тузиш ҳамда самарали ўтказишида фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиши аниқланган.

Иккинчи илмий янгилик: қулоқдан ажралаётган микрофлоранинг ўзига хос кўринишлари, ўткир ўрта отитнинг ривожланишида асосий касалликнинг роли ҳамда ушбу агрессив аэроб инфекциясининг пайдо бўлиши организмнинг умумий қаршилиги ва иммунитет кучларининг заифлашиши билан боғлиқлиги аниқланган; *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* қулоқдан ажралаётган микрофлоранинг таркибини ҳамда қондаги глюкоза миқдорини ўрганиш ва ЎЎО ривожланишида асосий касалликнинг роли аниқланган; *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилинини:* олинган илмий-амалий маълумотлар Бухоро вилоят болалар қўп тармоқли тиббиёт маркази буйруғи (06.02.2024 йил №17); Бухоро туман тиббиёт бирлашмасининг буйруғи (03.02.2024 йил №1); (15.05.2024 йил №3); Жондор туман тиббиёт бирлашмасининг буйруғи (06.02.2024 йил №12); (01.05.2024 йил 1634-2-35-ТБ/2024-сон) клиник амалиётига тадбиқ этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* асосий касалликнинг асоратларини олдини олиш, касаллик оқибатини ўз вақтида башпорат қилишнинг такомиллаштирилганлиги беморларнинг тезроқ соғайиши, бемор болаларнинг шифохонада бўлиш қунларининг қисқаришига олиб келган. *Иқтисодий самарадорлиги:* маълумотларнинг ишончлилиги даражасига қараб таҳлил ўтказишнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолаш муҳим. *Хулоса:* кузатувлар бўйича бундай амалиёт бевосита амалий аҳамият касб этиб, қандли диабет 1-тури фонида ЎЙЎО билан боғлиқ асоратларни камайтирган. Иммунитетнинг хужайравий, гуморал омиллари ва цитокин кўрсаткичларининг ҳолатини ўрганиш учун ўтказилган иммунологик тадқиқотлар бемор болаларда асосий иммунитетни нормаллаштириш билан оғир иммунитет танқислиги билан тавсифланган баъзи ўзгаришлар ёки хусусиятларни аниқлашга имкон берган.

Учинчи илмий янгилик: ўткир ўрта отитнинг клиник белгилари, кечиши даражаси, иммун статус, Т-лимфоцитлар (Т-хелперлар (CD4+), Т-супрессорлар (CD8+)) миқдорининг ўзгариши, табиий киллерларнинг (CD16+) қўпайиши ҳамда яллиғланишга қарши цитокин IL-4нинг ошиши ва интерферон гамма (IFN- γ) миқдорининг камайиши ўртасида боғлиқлик мавжудлиги аниқланган; *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* илк маротоба, қандли диабет 1-тип фонида ривожланган ЎЎО бўлган бемор болаларда иммун статусининг ҳолатини ўрганиш ҳамда беморларда хужайра иммун ва цитокин кўрсаткичлари орасидаги боғлиқликни баҳоланган; *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилинини:* олинган илмий-амалий маълумотлар Бухоро вилоят болалар қўп тармоқли тиббиёт маркази буйруғи (06.02.2024 йил №17);

Бухоро туман тиббиёт бирлашмасининг буйруғи (03.02.2024 йил №1); (15.05.2024 йил №3); Жондор туман тиббиёт бирлашмасининг буйруғи (06.02.2024 йил №12); (01.05.2024 йил 1634-2-35-ТБ/2024-сон) клиник амалиётига тадбиқ этилган. *Ижтимоий самарадорлиги*: қандли диабет 1-тури фонида ўткир отит билан оғриган болаларнинг шифохонада бўлиш кунларининг қисқариши, шу орқали болаларнинг ҳаёт сифати ва уларнинг соғломлаштириш ҳолатини ошириш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги*: ушбу янгиликнинг амалиётга қўллаш бюджет маблағларини сезиларли даражада тежаш имконини беради. Шундай қилиб, тавсия этилган услубий тавсиянома қандли диабет 1-тури фонида ўткир йирингли ўрта отит билан заарланган бемор болаларнинг иммун ва цитокин ҳолатини баҳолаш учун клиник ва иммунологик тадқиқотларда ушбу патологик ҳолатнинг bemорларнинг иммун тизимиға таъсирини қиёсий баҳолашни ўрганишга бағишиланган. *Хулоса*: бемор қандли диабет 1-тури фонида ўткир отит билан оғриган балаларда иммун реактивлигининг ҳолатини баҳолашнинг ўртача қиймати тўлиқ натижаларини ривожланган яллиғланиш жараёнининг ривожланиши аниқ Т - ва В-хужайравий иммун танқислигини кучайтиради, бу Т-лимфоцитларнинг иммунорегуляцион субпопуляцияларининг иммунитет танқислиги билан боғлиқ бўлиб, CD4+ Т хужайралари сонининг аниқ танқислиги ва CD8+ Т-цитотоксик лимфоцитларнинг ошиши, CD25+ IL-2 рецепторларининг камайиши кузатилган.

тўртинчи илмий янгилик: 1-тип қандли диабет билан оғриган болаларда ўрта қулоқ яллиғланишини олдини олиш, иммун тизимининг ҳужайравий, гуморал, цитокин, фагоцитоз кўрсаткичларини фаоллаштириш, иккиламчи иммунтанқисликни камайтириш ва иммун тизимини тикловчи иммуномодулятор (Иммун-5) қўллашга асосланган самарали иммунотерапия схемаси ишлаб чиқилган; *Илмий янгиликнинг аҳамияти*: илк маротоба, иммунотерапиянинг рационал схемаларини ишлаб чиқиш ва иммунокоригирловчи дори воситасининг қандли диабет 1-тип фонидаги ЎЎОга учраган болаларда иммунитет етишмаслигини тузатишга таъсир этишини баҳолаш ва алгоритми ишлаб чиқилган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилинishi*: олинган илмий-амалий маълумотлар Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази буйруғи (06.02.2024 йил №17); Бухоро туман тиббиёт бирлашмасининг буйруғи (03.02.2024 йил №1); (15.05.2024 йил №3); Жондор туман тиббиёт бирлашмасининг буйруғи (06.02.2024 йил №12); (01.05.2024 йил 1634-2-35-ТБ/2024-сон) клиник амалиётига тадбиқ этилган. *Ижтимоий самарадорлиги*: касаллик оқибатини ўз вақтида башорат қилишнинг такомиллаштирилгани bemорларнинг тезроқ соғайиб кетиши, bemор болаларнинг шифохонада бўлиш кунларининг қисқариши, шу орқали болаларнинг ҳаёт сифати ва уларнинг соғломлаштириш ҳолатини ошириш имконини берган. Бундан ташқари bemорлар иммун тизимининг ҳолати тўғрисида тўлиқ тасаввурларга эга бўладилар. *Иқтисодий самарадорлиги*: шундай қилиб, тавсия этилган услубий тавсиянома қандли

диабет 1-тури фонида ўткир йириングли ўрта отит билан заарланган бемор болаларнинг иммун ва цитокин ҳолатини баҳолаш учун клиник ва иммунологик тадқиқотларда ушбу патологик ҳолатнинг беморларнинг иммун тизимиға таъсирини қиёсий баҳолашни ўрганишга бағишиланган. Натижада ушбу услубий тавсиянома иммун тизимининг ҳолатини баҳолаш учун клиник ва иммунологик тадқиқотлар самарадорлигини ошириш имконини берди ва шу билан биргаликда бу илмий тадқиқотлар учун учун ажратилган маблағни тежаш имконини берган. *Хулоса:* CD95+ апоптоз омил рецепторларининг кўпайиши кузатилди. Цитокин профилидаги қиёсий таҳлил шуни кўрсатди, болаларда қандли диабет 1-тури фонида ўткир отитда ҳужайравий ва гуморал ва цитокинларнинг ўртача қиймати тўлиқ натижаларини аниқ яллиғланиш жараёнининг мавжудлиги яллиғланишга қарши цитокинларнинг аниқ кўтарилишига олиб келган.

Тадқиқот натижаларининг аprobацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий конференцияларда, жумладан 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 22 та илмий иш чоп этилган, улардан 6 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган журнallарда, шу жумладан 4 республика ва 2 та чет эл журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмida тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалар, аниқ шакллантирилган, республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги исботланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилингани тўғрисида, шунингдек, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Болаларда ўткир йириングли ўрта отитнинг тарқалиши, клиник кечиши, даволаш ва профилактикасининг замонавий қарашлари (адабиётлар шархи)**» деб номланган биринчи бобида қандли диабет фонида ривожланган ЎЎОнинг этиологияси, клиникаси, касалликни ташхислаш ва самарали даволашга оид усуллари маҳаллий ва хорижий манбалар асосида таҳлил қилинган. Ўткир йириングли ўрта отитнинг болаларда даволаш усуллари баён этилган, улар орасидаги устунлик ва камчиликлар очиб берилган ҳамда долзарб масалалар ўрганиб чиқилган.

Диссертациянинг «Қандли диабет фонида ривожланган ўткир йирингли ўрта отит билан заарланган бемор болаларда касалликнинг клиник ва патогенетик тузилиши бўйича клиник тавсифи ва тадқиқотнинг усуллари тадқиқот ҳажми ва дизайнни» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг асосий материали ва усуллари баён этилган.

Мазкур диссертация иши бўйича маълумотлар Бухоро вилоят болалар қўп тармоқли тиббиёт маркази ЛОР бўлимида ҳамда вилоят эндокринология диспансери болалар бўлимида ўткир йирингли ўрта отит ташҳиси билан даволанган 101 нафар беморларда олиб борилди, бу беморлар асосий гуруҳни ташкил этган. Касалликнинг кечиши давомийлиги беморлар анамнезидан 6 ойдан 15 йилгача бўлган муддатни ташкил қилди. Беморларнинг барчаси консерватив даво муолажаларини олган.

Ўтказилган илмий тадқиқотларга жалб қилинган 101 нафар бемор болалар 3 ёшдан 18 ёшгачани ташкил этиб, улар 2 гуруҳга бўлинди асосий $n=62$ ва назорат гуруҳи $n=39$ нафардан иборат бўлган. Бемор болаларнинг 48 нафари (26,4%) қиз болалар бўлиб, 53 нафарини (73,6%) ўғил болалар ташкил этди, шундан асосий гуруҳда қиз болалар $n=26$ (53,3%), ўғил болалар $n=36$ (71,4 %) нафар, назорат гуруҳида эса қиз болалар $n=22$ (46,6%), ўғил болалар $n=16$ (28,6 %) нафарни ташкил қилган. Юқорида келтирилганлардан кўриниб турибдики, ўткир йирингли ўрта отит билан касалланиш ўғил болаларда қиз болаларга нисбатан 1,5 марта қўп учраган. Бу кўрсаткич ёш ошган сари ҳам бир бирига пропорционал ошиб борган.

Барча назоратга олинган бемор болалар клиник ва лаборатор, биокимёвий, оториноларинголок ва иммунологик тадқиқотларни ўз ичига олган кенг давомли текширувдан ўтказилган. Бу борада уларнинг шикоятлари, ўтказилган ва йўлдош касалликлар, касалликнинг келиб чиқиши сабаблари, касалликнинг давомийлиги ва эрта даволаш чора-тадбирлар самарасига эътибор қаратилган.

Бемор организмининг иммунологик реактивлигини динамикада ўрганиш учун 50 нафар бемор болалар ушбу тадқиқотга жалб қилиниб, шулардан 24 нафар ўткир йирингли ўрта отит билан заарланган бемор болалар анъанавий даволанганлар бўлса, 26 нафар ўткир йирингли ўрта отит билан заарланган бемор болалар анъанавий, иммуностимуляцион терапия қабул қилган беморларни ташкил этган.

Статистик маълумотларни қайта ишлаш икки босқичда амалга оширилган:

- 1) статистик таҳлилга тайёргарлик;
- 2) ҳақиқий статистик таҳлил.

Тадқиқотдан олинган маълумотлар шахсий компьютерда Microsoft Office Excel – 2013 дастурий пакетлари ёрдамида статистик қайта ишланган. Вариацион параметрик ва нопараметрик статистика ўрганилаётган ўртача арифметик кўрсаткични (M) ҳисобга олиб, ўртача квадратик оғиши (σ), стандарт ўртача хатолик (m), ўртача нисбий катталик (частота, %)

усулларидан фойдаланилди. Ўртача катталиклар таққосланганда олинган ўлчамларнинг статистик микдори Стъюдент (t) мезони бўйича, хатолар эҳтимоли ҳисоби (P) тақсимлашнинг нормаллигини текширишда (эксцесс мезони бўйича) ва бош дисперсия тенглиги (F – Фишер мезони бўйича) аниқланди. Ўзгаришнинг статистик кўрсаткичи учун ишончлилик даражаси $P<0,05$ дан фойдаланилган.

Диссертациянинг «Қандли диабет 1-тури фонида ривожланган ўткир йирингли ўрта отитнинг клиник ва лаборатор хусусиятлари» деб номланган учинчи бобида қандли диабет 1-тури фонида ривожланган ўткир йирингли ўрта отитнинг клиник ва лаборатор хусусиятлари натижалари келтирилган.


Қандли диабет фонида ривожланган ўткир йирингли ўрта отитда bemor бола қулоғидан тўсатдан йиринг оқиши (77,5%), қулоқ оғриғи ва қулоқ тиқилиши ёки эшитиш қобилиятининг пасайиши (82,5%), шунингдек иситма ва бош оғриғи (52,5% ва 67,5%) шикоятлари кузатилган. Беморларнинг тахминан ярмида қулоқда шовқин, умумий ҳолсизлик кузатилган. 17 (42%) нафар болалар кўнгил айниши ва қайт қилишдан шикоят қилишган. Юқоридаги барча шикоятлар қандли диабет фонида ривожланган ЎЎО билан касалланган болаларга нисбатан, қандли диабетсиз ЎЎО билан касалланганларга камроқ аниқланган. Шундай қилиб, 90% ҳолатларда қулоқдан йиринг оқиши, 80% ҳолатларда бош оғриғи ва 70% ҳолатларда ЎЎО билан касалланган bemor болаларда юқори тана ҳароратининг кўтарилишидан шикоят қилишган.

Умумий ҳолсизлик болаларнинг 40%, кўнгил айниши ва қайт қилиш болаларнинг 30% да қайд этилган. Қандли диабет фонида ривожланган ЎЎО билан оғриган bemor болаларда аниқ клиник аломатлар иммун тизимининг бузилишининг натижаси бўлиши мумкин, бу организмнинг инфекцион агентга мослашиш механизмларининг бузилишига, иммунопатологик жараёнларнинг кучайишига ва сурункали жараёнининг тезлашишига олиб келиши мумкин.

Бу ҳолат инфекцион жараённинг шаклланиши ва ривожланишида бирга келадиган патологиянинг тури ва оғирлиги маълум рол ўйнашини тасдиқлайди.

Бемор болаларни қабул қилиш вақтида ЎЎО билан оғриган bemorларнинг шикоятлари турлича бўлиб, улар касалликнинг босқичига қараб ўзини намоён қилган. 7 (17,5%) нафар bemor болаларда касалликнинг кечиши доимий характерга эга бўлган (1-расм).

Беморларнинг умумий сонидан 19 нафари (47,5%) вестибуляр анализаторнинг шикастланишига хос бўлган бош айланиши, кўнгил айниши, қусиши ва бошқа шикоятлардан шикоят қилган. Ушбу bemorларнинг баъзиларида вестибуляр бузилишлар аниқланди: уларнинг 3 нафарида (7,5%) ўз - ўзидан пайдо бўлган кам кўламли нистагм аниқланди, 10% bemorларда Ромберг позасининг бузилиши, шунингдек 5% bemorларда ёпиқ кўзлар билан юриш пайтида статокинетик барқарорликнинг бузилиши қайд этилган.



1-расм. Текширилган болаларда шикоятлар ва уларнинг учраш даражаси, %

23 (57,5%) нафар беморларда қулоғида субъектив шовқин борлиги аниқланган. Даволашнинг мақбул вариантини ишлаб чиқиш учун ўрта қулоқнинг ҳолатини синчковлик билан ўрганиб чиқилган. Бунинг учун анъанавий отоскопиядан ташқари, ўрта қулоқ тузилмаларининг анатомик ва топографик хусусиятларини батафсил ўрганишга имкон берадиган отомикроскопия ўтказилган. Отоскопияда ташқи эшитув йўли кенг, йирингли ажралма билан тўлган, ноғора парданинг таранг тортилган қисмida марказий ва периферик перфорациялар кўринган.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, асосий патология иккиламчи касалликнинг кечишига маълум таъсир кўрсатган. Шунинг учун қандли диабет фонида ривожланган ЎЎОнинг клиник ва лаборатория белгиларининг учраш даражаси инкор етиб бўлмайдиган қизиқиши уйғотган. Шундай қилиб, ЎЎОнинг клиник кечиши хусусиятлари ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги аниқланган.

Назоратдаги бемор болаларни иммунологик тадқиқотлардан ташқари, барча беморлар учун қуидаги лаборатория ва инструментал тадқиқотлар ўтказилди: умумий қон таҳлили, эшитиш ўткирлиги текшируви, сўрғичсимон ўсиқ катаклари рентгенологик текшируви, шунингдек, қулоқдаги йирингли ажралмани бактериологик ва антибиотикларга сезгирилгини аниқлаш амалга оширилган.

Текширилган беморларнинг қон таҳлили шуни кўрсатдики, қандли диабет фонида ЎЎОнинг ривожланишида периферик қондаги гемоглобин, эритроцитлар, моноцитлар ($P <0,05$) кўрсаткичлари одатдагидан анча паст, лейкоцитлар, нейтрофиллар, эозинофиллар, ЭЧТ эса одатдагидан юқори ($P <0,05$) кўрсаткичларга эга. Қандли диабет фонида ЎЎОнинг ривожланишида яллиғланиш ва интоксикация белгилари янада аниқроқ бўлган: лейкоцитоз $10 \cdot 10^9 / \text{л}$ дан $13 \cdot 10^9 / \text{л}$ гача, 23 (57,5%) нафар беморда $14 \cdot 10^9 / \text{л}$, 7 (17,5%) нафар беморларда ундан юқори, бааларда ЭЧТнинг 20 мм/ соат тезлашганлиги ва нейтрофиллар фоиз сонининг кўрсаткичлари тегишли ёш гурӯхларининг меъёрий кўрсаткичларидан 20% га ошганлиги аниқланган (1-жадвал).


Текширилган болаларнинг периферик қон параметрлари

Кўрсаткичлар	Қандли диабет фонида ЎЎО n=40	Қандли диабетсиз ЎЎО n=10
Гемоглобин, г/л	89,94±2,03*	95,54±2,05
Эритроцитлар, 10 ¹² /л	2,96±0,07*	3,25±0,07
Лейкоцитлар, 10 ⁹ /л	12,10±0,23 *	10,41±0,26
Лимфоцитлар, %	23,55±2,46*	20,51 ±2,15
С/я нейтрофиллар, %	69,35±2,46*	60,51±2,15
Моноцитлар, %	2,55±0,226*	4,51±0,215
Эозинофиллар, %	4,15±0,246*	2,51±0,215
ЭЧТ, мм/соат	9,72±0,603*	8,79±1,07

Эслатма: * - назорат гуруҳига нисбатан сезиларли фарқлар * - $P<0,05$;
- қандли диабет фонида ривожланган ЎЎО ва қандли диабетсиз ЎЎОли беморлар ўртасидаги ишончлилик фарқи.

Гемоглобин (89,9 г/л), эритроцитлар (2,9%), лимфоцитлар (23,5%) ва моноцитларнинг (2,55%) ўртacha қийматлари қандли диабетсиз ЎЎО бўлган болаларга нисбатан паст ва таққосланадиган ёшдаги соғлом болаларга караганда анча паст кўрсаткичларга эга. Кондаги эозинофилларнинг миқдори алоҳида аҳамиятга эга эди, чунки у аллергия белгиларидан биридир. Шундай қилиб, қандли диабет фонида ЎЎО билан заарланган бемор болалар периферик қонида эозинофилларнинг ўртacha кўрсаткичлари, қандли диабетсиз ривожланган ЎЎОда бу кўрсаткичларга нисбатан деярли 2 баравар юқори бўлганлигини кўрсатган.

7 (17,5%) нафар бемор болаларда гиперлейкоцитоз $17 \cdot 10^9$ ва ундан юқорилиги аниқланган бўлса, шунингдек ЭЧТнинг 20 мм/соатдан ошганлиги аниқланган. Қандли диабет фонида ривожланган ЎЎО ва қандли диабетсиз фонида ривожланган ЎЎО билан оғриган беморларнинг периферик қон параметрлари, шунингдек, таққосланадиган ёшдаги соғлом болалар кўрсаткичлари кўрсатилган.



2-расм. Текширилган беморларда эшитиш қобилиятининг бузилиши маълумотлари

Қандли диабет фонида ривожланган ҮҮО билан оғриган беморларда қулоқ оғирлигининг I - (67,5%) ва II- (27,5%) даражадаги беморлар аниқланди ва фақат 2 (5%) нафар беморда III даражадаги қулоқ оғирлиги аниқланган. Қандли диабет фонида ривожланган ҮҮО 2,5% бемор болаларда аниқланди. Қандли диабетсиз ҮҮОда эшитиш қобилиятынің йүқотишининг сенсориневрал шакли аниқланмаган (2-расм).

Нутқ зонасида қандли диабет фонида ривожланган ҮҮОда беморларда ҳаво үтказувчанлиги билан эшитиш чегараларининг үртача қиймати 20-40 дБ, 25 нафар беморларда (62,5%) 40-60 дБ, 14 нафар беморларда (35%) 60-80 дБ беморларда аниқланган. 37 (92,5%) беморларда нормал частота диапазонидаги сүяк үтказувчанлиги бўсағаси меъёрий бўлиб қолган, 2 (5%) нафар беморларда 10дБга ошган, 1(2,55) нафар беморларда 20дБга ошганлиги аниқланган. 28 (70%) нафар беморларда ҳаво үтказувчанлиги горизонтал характерга, 11 (27,5%) нафар беморда кўтарилиувчи ва 1 (2,5%) нафар беморда пастга тушувчи характерга эга бўлган.

Сүяк-ҳаволи интервал барча беморларда қайд этилган ва нутқ частоталарида (500, 1000, 2000, 4000 Гц) 37 (92,5%) нафар беморда 10-30 дБ оралиғида, 2 (5%) нафар беморда 30-50дБ оралиғида эканлиги аниқланаган. 1 (2,5%) беморда сенсориневрал эшитиш қобилияти йўқолган, бу аллақачон мавжуд бўлган үтказувчан шакл билан биргаликда эшитиш қобилиятынинг аралаш турини ривожланишига олиб келган.


Олинган рентген текширув маълумотларини таҳлил қилишда сўрғичсимон катакларининг сояланиши қандли диабет фонида ривожланган ҮҮОда, қандли диабетсиз ҮҮО бўлган бемор болаларга нисбатан қўпроқ учраган (мос равища 37,5% ва 25%).

Қандли диабет фонида ҮҮО билан касалланган бемор болалар қулоғидан йирингли ажралма микробиологик усул орқали текширилганда маълум даражада кутилмаган натижалар берган. Микробиологик текширув натижалари келтирилган. Жадвалдан кўриниб турибдики, қандли диабет фонида ривожланган ҮҮО билан касалланган бемор болаларда *Streptococcus pneumoniae*, *Haemophilus influenzae*, *Moraxella catarralis* аниқланган бўлса, қандли диабетсиз ҮҮОда *Staphylococcus aureus*, *Staphylococcus epidermidis*, *Pseudomonas aeruginosa*, *Proteus vulgaris* микроорганизмлари аниқланган.

Юқоридаги барча патогенлар асосан бошқа микроорганизмлар билан биргаликда топилган. Қандли диабетсиз ҮҮО билан касалланган бемор беморларнинг тахминан ярмида микроорганизмларнинг монокултуралари топилган ва қандли диабетсиз ҮҮОда эса беморларда битта културанинг ўсиши фақат 25% ҳолларда аниқланган. Аэроб-анаэроб ассоциацияси қандли диабет фонида ривожланган ҮҮО билан касалланган беморларнинг 13 (32,5%) нафарида ва қандли диабетсиз ҮҮО билан касалланган 9 (22,5%) нафар бемор болаларда аниқланган (3-расм).

Олинган натижалар умумлаштирилганда, қандли диабет фонида ривожланган ҮҮОнинг ўзига хос клиник кечиши ва клиник-лаборатория хусусиятларига эга деб айтиш мумкин, улар қандли диабетсиз ҮҮОнинг

клиник кечишидан тубдан фарқ қиласы да үрта қулоқ яллиғланишининг камроқ аниқ белгилари билан тавсифланган.



3-расм. Қулоқдан йириңгли ажралманинг бактериологик текширув натижалари

Диссертациянинг «Қандли диабет 1-тури фонида ўткир отит билан оғриган болаларда иммун реактивлигининг ҳолати» деб номланган түртинчи бобида қандли диабет фонида ривожланган ўткир үрта отит билан заарланган болаларда иммун тизимининг Т-хужайравий занжир, гуморал ҳамда цитокин күрсаткичларининг касаллик давридаги ва даволашдан кейин ҳолати натижалари көлтирилган.

Болалар организмида соматик касалликларнинг патогенезида организм иммун тизимининг ҳолати муҳим аҳамиятта эга. Қандли диабет фонида ривожланган ўткир үрта отит билан заарланган болаларда гуморал, цитокин ва ҳужайравий иммун тизими күрсаткичларини ўрганиш яллиғланиш жараённининг фаоллигини аниқ баҳолаш ва тегишли иммунокоррекция қилиш учун амалий ва илмий аҳамиятта эга.

Болаларда қандли диабет натижасида ривожланган иммунитет танқислик ҳолати энг ноқулай оқибат ва классик клиник белги ҳисобланади.

Қандли диабет фонида ривожланган ўткир үрта отитда болаларда иммун тизими тартибга солувчи ва ҳимоя функцияларининг бузилиши патологик жараённинг клиник қўринишида ўзига хос из қолдиради. Шу муносабат билан асосий касалликнинг клиник кечишида иммун тизими ҳолатининг хусусиятларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, ўткир яллиғланиш реакциялар ривожланишида иммун ҳужайравий бўғини етакчи үрин тутади, бу ерда Т-лимфоцитлар, Т-лимфоцитларнинг асосий субпопуляцияларининг нисбати асосий рол ўйнайди.

Ушбу тадқиқотда Т-хужайра иммун тизими параметрлари CD3+ (Т-лимфоцитлар), CD4+ (Т-хелпер/индукторлар) ва CD8+ (Т-цитотоксик

лимфоцитлар) антигенлар экспрессияси мавжудлиги, шунингдек, CD4+/CD8+ нисбати (иммунорегулятор индекс - IRI) қиймати билан аниқланган. Қандли диабет фонида ривожланган ўткир ўрта отит билан заарланган болаларда В-лимфоцитларнинг қийматлари периферик қон зардобидаги асосий иммуноглобулинларнинг концентрацияси ўрганилган.

Иммун тизимининг асосий ҳужайра кўрсаткичларига қўшимча равища, натижаларни шарҳлашда катта диагностик ва прогностик аҳамиятга эга бўлган лимфоцитларнинг эрта ва кеч фаоллашуви белгилари ўрганилган.

Иммун тизимининг асосий ҳужайра параметрларига қўшимча равища, натижаларни шарҳлашда катта диагностик ва прогностик аҳамиятга эга бўлган цитокинлар ҳолати (IL-4, IFN- γ) ўрганилган.

Қандли диабет фонида ривожланган ўткир ўрта отит билан заарланган болаларда иммун тизимининг Т-ҳужайравий кўрсаткичлари қийматларини ўрганиш натижалари 2-жадвалда келтирилган.

Иммунитет Т-ҳужайравий бўғинининг таҳлили натижалари шуни кўрсатдики, асосий гурӯҳ болаларида CD3+ Т-лимфоцитларнинг нисбий миқдори қандли диабет фонида назорат гурӯҳи қийматларидан пастроқ бўлган. Болаларнинг асосий гурӯҳида Т-лимфоцитларнинг мутлақ қийматлари ўзаро ҳаққоний фарқланмаган (3-жадвал).

2-жадвал

Текширилувчиларда иммунитетнинг Т-ҳужайра тизими кўрсаткичлари ($M \pm m$)

№	Кўрсаткичлар	Назорат гурӯҳи (n=20)	Давогача ўртача кўрсаткичлар (n=50)
1	Лейкоцитлар (10^3 в 1мкл)	$5919,1 \pm 955,4$	$10702 \pm 201,1^*$
2	Лимфоцитлар, %	$32,3 \pm 3,49$	$38,1 \pm 0,59$
3	Лимфоцитлар (в 1 мкл)	$1904,5 \pm 355,9$	$4049,4 \pm 97,8$
4	CD3+ (в 1 мкл)	$1062,2 \pm 47,3$	$1025,0 \pm 63,03$
5	CD4+ (в 1 мкл)	$602,2 \pm 27,1$	$684,1 \pm 29,7$
6	CD8+ (в 1 мкл)	$428,1 \pm 17,5$	$586,2 \pm 37,3$
8	CD20+ (в 1 мкл)	$420,3 \pm 22,1$	$716,1 \pm 32,5$

* - $P \leq 0,05$ назорат гурӯҳига нисбатан ишончли

3-жадвал

Т- ҳужайравий звено иммун тизимининг нисбий кўрсаткичлари ($M \pm m$)

№	Кўрсаткичлар	Назорат гурӯҳи (n=20)	Давогача ўртача кўрсаткичлар (n=50)
1	CD3+	$55,7 \pm 0,78$	$44,0 \pm 3,32$
2	CD4+	$31,6 \pm 0,46$	$21,0 \pm 0,68^*$
3	CD8+	$22,6 \pm 0,51$	$19,4 \pm 0,73$

* - $P \leq 0,05$ назорат гурӯҳига нисбатан ишончлилик

Қандли диабет фонида ривожланган ўткир ўрта отит билан заарланган болаларда иммун тизимининг Т-хужайравий субпопуляциясининг нисбий кўрсаткичлари натижаларини таҳлил қилинганда, назорат гуруҳига нисбатан асосий гуруҳда CD4+ ўртача сони 1,47 мартаға камайганлиги аниқланган. Лейкоцитлар сонининг юқорилиги туфайли CD4+ лимфоцитларининг мутлақ сони ортиш мойиллигига эга бўлган Бошқа бир регулятор Т-лимфоцитлар - Т-супрессорлар гурухи (CD8+) жуда кучли ва жуда узоқ давом этадиган иммунологик реакцияларига тўхтатиб қўйиши мумкин. Лимфоцитларнинг супрессор фаоллигини таҳлил қилишда унинг кўрсаткичларини назорат гуруҳига нисбатан 1,16 мартаға камайишга мойиллиги аниқланди, бу ўртача $19,4 \pm 0,73$ ни ташкил этган.

CD4+/CD8+ нисбатининг (иммунорегулятор индекси - ИРИ) таҳлили унинг назорат гуруҳининг кўрсаткичларига нисбатан ҳаққоний пасайишини кўрсатди ($P<0,05$). Асосий гуруҳ болаларида ИРИ шахсий кўрсаткич-ларининг фарқи маълум даражада ўзгариб турган, лекин беморларнинг кўпчилигига ИРИ 1,0 дан пастроқ қийматларда бўлган.


Маълумки, табиий киллерлар табиий ҳимоя омилларига киради ва носпектифик юқишига қарши барқарорликни таъминлайди, унга инфекция агентларини таниш ва бартараф этишда етакчи ўрин беришган. Бундан ташқари, маълумки, табиий киллерлар иммунобиологик назорат тизимининг бош хужайравий эфекторлари ҳисобланган.

CD16+ нинг лимфоцитлардаги экспрессиясининг қиёсий таҳлили асосий гуруҳ болаларида назорат гуруҳи қийматларига нисбатан шу қийматнинг ҳаққоний ошиши мавжудлигини аниқлашга имкон берган ($P<0,05$). Масалан, асосий гуруҳ болаларида CD16+ миқдори $17,6 \pm 0,72$ ни ташкил этди, бу эса назорат гуруҳининг $15,20 \pm 1,60\%$ қийматларига нисбатан $1,26$ баравар кўпроқ бўлган. CD16+ маркёрли хужайраларнинг мутлақ миқдори асосий гуруҳда назорат гуруҳи қийматларига ($13,9 \pm 0,39$) нисбатан ошган ($P<0,05$). Табиийки, табиий киллерлар экспрессиясининг бундай ошиши инфекция агенти мавжудлиги, унга жавобан CD16+ маркёрли етилмаган лимфоцитлар шаклларининг кескин ошиши билан изоҳланади.

